

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/28.08.2020.1.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХИМОВ ТҲТАБЕК ЖУМАБОВИЧ

ХУДУДИКТИСОДИЙ ТУЗИМИНИ БАРҚАРОР  
РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШИ

08.00.06 – Эконометрика ва статистика

Иқтисодийёт фанлари бўлимида фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ

Урганч – 2021

УДК: 330.115:91:33(575.1)

Иқтисодий фаилари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам

Contents of Dissertation Abstract of the Doctoral of Philosophy (PhD)  
in Economic sciences

**Рахимов Тўхтабек Жумабоевич**

Худуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришни эконометрик  
моделлаштириш..... 3

**Рахимов Тухтабек Джумабоевич**

Эконометрическое моделирование устойчивого развития региональной  
экономической системы..... 27

**Rakhimov Tukhtabek Jumaboevich**

Econometric modeling of sustainable development of the regional economic  
system..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 53

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ РЎД.03/28.08.2020.1.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**РАХИМОВ ТЎХТАБЕК ЖУМАБОЕВИЧ**

**ХУДУД ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМИНИ БАРҚАРОР  
РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ**

08.00.06 – Эконометрика ва статистика

Иқтисодий фаилари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ

Урганч – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/1q1601 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.urd.uz](http://www.urd.uz)) ҳамда «Ziyoue» ахборот-таълим портали ([www.ziyoue.com](http://www.ziyoue.com)) манзилларига жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Абдуллаев Илбос Султонович</b> иқтисодиёт фанлари доктори
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Бойхонов Баходир Турсунбоевич</b> иқтисодиёт фанлари доктори
	<b>Сауханов Жанибек Казимович</b> иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
<b>Етафқи ташкилот:</b>	<b>Бухоро давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузурдаги илмий даражалар берувчи PhD.03/28.08.2020.155.03 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «2» сентябр соат 11.00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил 220200, Урганч ш., Х.Олимжон кўчаси -14. Тел.: (998-62) 224-67-00; факс: (998-62)224-57-00; e-mail: [info@urd.uz](mailto:info@urd.uz)).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Урганч давлат университети Ахборот-ресурс марказида таъиниш мумкин Дир рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 220200, Урганч ш., Х. Олимжон кўчаси -14. Тел.: (998-62)224-67-00; факс: (998-62)224-57-00.

Диссертация автореферати 2021 йил «2» сентябр куни тарқатилди.  
(2021 йил «2» сентябрдаги 1 рақамли реестр бўйномаси).



**О.К. Хотамов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси и.б.б. и.ф.д.

**Ш.Б. Рузметов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.и., доцент

**Б. Рузметов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қўшмадаги илмий семинар раиси, и.ф.д. профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси (PhD))

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда глобаллашув жараёни чуқурлашаётган ва жаҳон бозорларида рақобат даражаси ошиб бориши шароитида ҳудудлар иқтисодиётини барқарор ривожлантириш муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. 2019 йил якушиларига кўра “Америка Қўшма Штатлари ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг 14.7 фойзини Калифорния штати, маъмур кўрсаткич бўйича ХХР Гуандун провинцияси улуши 10.9 фойзини, Япониянинг Токио префектураси улуши 18.5 фойзини ва Германия Шимолий Рейн-Вестфалия штати улуши 21.2 фойзини ташкил қилмоқда”<sup>1</sup>. Жаҳонда глобаллашув жараёни чуқурлашаётган, иккинчи томондан, жаҳон бозорларида рақобат даражаси ошиб бориши ҳудудлар иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришда янги ёндашувларни қўллашни тақозо этмоқда.

Жаҳондаги глобаллашув жараёни шароитида мамлакатлар ҳудудларини барқарор иқтисодий ривожлантиришнинг илмий таъминоти, жумладан моделлаштириш йўналишидаги тадқиқотларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу борада иқтисодий моделлаштириш модел ва усулларини ҳудудларнинг ўзига хос ривожланиш хусусиятлари, алоҳида ҳудуднинг табиий-тарихий ўзига хос жиҳатлари ва стратегик манфиатлари, ривожланишнинг оптимал ўсиш суръатлари, ҳудудлар иқтисодиётида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уларни комплекс ривожлантириш ҳамда иқтисодий тизимни барқарор ривожлантиришда муқобил фаолиятни таъминлашни эътиборга олган ҳолда моделлаштириш имкониятларидан фойдаланишга йўналтирилган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида мамлакатимиз ҳудудларини тараққий эттириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш масъабларини кенгайтириш ҳисобига ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражасидаги фарқини камайтириш, энг аввало саноат ва экспорт салоҳиятини ўстириш йўли билан қиёсланган туман ва шаҳарларни жадал ривожлантириш”<sup>2</sup> вазибалари белгиланган.

Маъмур жараёнда Хоразм вилоятини иқтисодий ривожлантириш муҳим аҳамият касб этиб, ҳудуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришнинг илмий асосланганлик даражасини таъминлашда эконометрик моделлаштириш усулларини қўллаган ҳолда уларни ҳудуднинг ўзига хос хусусиятини эътиборга олиб такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

<sup>1</sup> [https://en.wikipedia.org/wiki/List\\_of\\_states\\_and\\_territories\\_of\\_the\\_United\\_States\\_by\\_GDP](https://en.wikipedia.org/wiki/List_of_states_and_territories_of_the_United_States_by_GDP);

[https://en.wikipedia.org/wiki/List\\_of\\_Chinese\\_administrative\\_divisions\\_by\\_GDP](https://en.wikipedia.org/wiki/List_of_Chinese_administrative_divisions_by_GDP);

[https://en.wikipedia.org/wiki/List\\_of\\_Japanese\\_prefectures\\_by\\_GDP](https://en.wikipedia.org/wiki/List_of_Japanese_prefectures_by_GDP);

[https://en.wikipedia.org/wiki/List\\_of\\_German\\_states\\_by\\_GDP](https://en.wikipedia.org/wiki/List_of_German_states_by_GDP);

<sup>2</sup> “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли «2017-2021 йилларида Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришни бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги фарқининг 1-қисми» Lex.uz.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» фармони, 2019 йил 17 апрелдаги ПҚ-4291-сонли «2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида каттик маъиший чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»<sup>1</sup>ги, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сонли «Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чоратadbirlar тўғрисида»<sup>2</sup>ги, 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сонли «2017-2021 йилларда Оролбўйи минтакасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида» қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 июлдаги 585-сонли «Хоразм вилоятининг илмий-техник ва инновацион салоҳиятини ошириш чора-таdbirlari тўғрисида»<sup>3</sup>ги, 2018 йил 26 апрелдаги 308-сонли «Хоразм вилоятида кўшимча кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида»<sup>4</sup>ги, 2019 йил 11 июндаги 484-сонли «2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»<sup>5</sup>ги қарорлари ҳамда худуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация мавзуси республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик-ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кейинги йилларда худуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантириш масалаларига хорижлик ва мамлакатимиз олимларининг илмий ишларида катта эътибор қаратилган. Бу соҳада хорижлик муаллифлардан М.Кейне, Ж.К.Гэлбрейт, М.Кларк, М.Портер<sup>6</sup>нинг асарлари шулар жумласидандир. Россиялик олимлардан В.М.Гранберг, В.М.Гаврилов, Г.В.Гутман, Б.К.Злобин, В.А.Лось, В.М.Матросова, О.В.Михалев, О.В.Байдина, В.Е.Васенко, Т.А.Краснова, Н.Д.Кондратьев, В.В.Леонтьев, С.Г.Светушков, И.С.Светушков<sup>7</sup> ва бошқаларнинг тадқиқотлари катта қизиқиш уйғотади.

<sup>1</sup> Кейне Дж. Избранные произведения. Пер. с англ. – М.: Экономика, 1993. – 436 с. Michael Porter. Competitive Advantage The Free Press, 1998. – 580 p.

<sup>2</sup> Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. – М.: Экономика, 2000. – 346 с. Гаврилов А.И. Региональная экономика и управление. – М.: ЮНИТИ, 2002. – 239 с. Гутман Г.В. Управление региональной экономикой. – М.: Финансы и статистика. Злобин Б.К. Концепция экономической устойчивости хозяйственных систем. – М.: Экономика, 2000. Лось В.А., Урсул А.Д. Устойчивое развитие. – М.: Агир, 2000. Матросова В.М., Имоделова-Матросова К.В. Учение о ноосфере, глобальное моделирование и устойчивое развитие. – М.: Academia, 2005. Михалев О.В. Экономическая устойчивость региональных хозяйственных систем. Автореферат дисс. – докт. экон. наук. – М., 2011. Байдина О.В. Инновационно-воспроизводственная устойчивость региона: экономические условия и стратегия обеспечения: дис. ... канд. экон. наук. – Белгород, 2009. Васенко В.Е. Индикаторы и способы оценки и прогнозирования устойчивого развития системы

Шу билан бирга, мамлакатимиз олимларининг тадқиқотларида худуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантириш масалаларининг айрим жиҳатлари ўрганилган. Хусусан, минтакаларни комплекс ва мутаносиб ривожлантиришнинг назарий-услубий жиҳатлари В.Қ.Қобулов, Б.Ю.Ходиев, Т.Ш.Шодиев, Т.Д.Досчанов, Т.М.Аҳмедов, Н.К.Аймбетов, Б.Рўзметов, А.М.Содиқов, Ф.Т.Эгамбердиев, И.С.Абдуллаев ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган, ammo худуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришни эконометрик моделлаштиришнинг баъзи жараёналари ўз долларбдигини сақлаб қолмоқда<sup>8</sup>.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ва хорижий давлатларда иқтисодий тизимини барқарор ривожлантириш масалалари, худудларни барқарор ривожлантиришнинг эконометрик моделлаштириш, худудларнинг ривожланиш даражаси ҳамда иқтисодий салоҳиятига баҳо бериш ва экологик барқарор тараққиётга эришишга бағишланган илмий тадқиқотлар кенгаймоқда.

Шу билан бирга бозор иқтисодиёти шароитида ҳамда экологик омиларни ҳисобга олиб, иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришнинг назарий-услубий жиҳатлари, худудларни барқарор ривожлантиришга таъсир қилувчи омиларнинг устуворлик даражаларини аниқлаш бўйича усулларни ишлаб чиқиш зарурати туғилмоқда.

Кўрсатиб ўтилган муаммоларнинг долларбдиги, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистон худудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тамойил ва йўналишлари, истиқлол йилларида уларнинг ривожланиш тенденциясини таҳлил қилиш ва дифференциаллашув даражасини баҳолаш, яъни худудий маҳсулотнинг (ЯХМ) ўсиш динамикасини итчил ошириб бориш, худуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантириш, худудий ривожланишнинг хорижий давлатлар тажрибасини мамлакатимиз амалиётинида қўллаш масалаларини етарли даражада ўрганиш зарурлиги тадқиқот мавзусини таълашга замин яратди.

региона (на материалах Краснодарского края): дисс. ... канд. экон. наук. – Майкоп, 2013. Краснова Т.А. Экономическая устойчивость региона: проблемы теории и практики: дис. ... д-ра экон. наук. – Иркутск, 2000. Кондратьев Н.Д. Большие циклы конъюнктуры и теория предвидения. – М.: Экономика, 2002. Леонтьев В. Межотраслевая экономика /Пер. с англ. – М.: Экономика, 1997. Светушков С.Г. Основы эконометрических комплексных переменных. – М.: Санкт-Петербург, 2008. Светушков И.С. Производственные функции комплексных переменных в экономическом анализе. Автореферат на соиск. уч. степ. канд. экон. наук, 2007. – 25 с.

<sup>3</sup> Кабулов В.К. Алгоритмизация в социально-экономических системах. – Т.: Фан, 1989. Ходиев Б.Ю. Эконометрическое моделирование развития предпринимательства экономики Узбекистана: Дисс. докт. экон. наук. – Т.: ТДПУ, 2000. – 338 с. Шодиев Т.Ш. Проблемы моделирования развития сельского хозяйства (на примере Узбекистана): дис. докт. экон. наук. – Т.: ПТЭУ, 1988. – 380 с. Досчанов Т.Д. Экономика-экологические основы производства и применения продукции химической промышленности в АПК (на примере Узбекистана) автореферат дисс. докт. экон. наук. – Т., 1990. Ахмедов Т.М. Регулирование территориальной организации производственных сил и комплексное развитие регионов Узбекистана. – Т.: Фан, 1992. Аймбетов Н.К. Мураккаб экологик вазиет шароитида иқтисодий ва ижтимоий жараёналарни моделлаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида): иқт. фан. докт. авторефер. – Т.: ТДПУ, 2000. – 38 б. Рўзметов Б. Региональная экономика. Опыт, проблемы, эффективность комплексного развития. – Т.: Фан, 2003. – 219 с. Содиқов А.М. Ўзбекистон минтакаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва уни тартибга солиш механизмлари, и.ф.д. автореферати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий университети, 2006, 42 б. Абдуллаев И.С. Минтакавий иқтисодий тизимни оптимал тартибга солишнинг механизмларини тақомиллаштириш. Иқт.фан бўйича докт. (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2017. – 66 б.



Тадқиқот ишида ҳудуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришнинг барча жиҳатларини тўлиқ камраб олиш, шунингдек, уни барқарор ривожлантириш тенденцияси учун алоҳида аҳамиятга эга экологик муаммоларнинг марказида жойлашган Хоразм вилояти иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришнинг асосий тамойил ҳамда йўналишларини ажратиб кўрсатиш, унинг ижтимоий-иқтисодий ва экологик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ривожланиши эконометрик моделлар ёрдамида таҳлил қилинади.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олвий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация ишн Урганч давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А-2-87-сонли “Худудий иқтисодий тизим ривожланишини прогноз қилишда комплекс сонли моделларни ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** худуднинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилган эконометрик моделлаштириш модел ва усулларини қўллаган ҳолда Хоразм вилояти иқтисодий тизимини барқарор ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** илмий ишнинг мақсадидан келиб чиқиб, куйидагилардан иборат қилиб белгиланди:

худуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришни эконометрик моделлаштиришнинг мазмун-моҳиятини ёритиб бериш ва иқтисодийни модернизациялаш шароитида худудий ривожланишнинг эконометрик моделларини асослаш;

худуд иқтисодий тизимини барқарор ривожланишнинг устувор йўналишларини таҳлил қилиш ва унинг эконометрик моделларини тузиш;

худуд иқтисодий тизими ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаш;

худуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришнинг кўп омилли эконометрик моделларини ишлаб чиқиш, уларнинг мақбул вариантларини танилаш ҳамда танланган модел бўйича прогноз қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Хоразм вилоятининг иқтисодий тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предметини** худуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантириш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Мазкур тадқиқотда иқтисодий-математик моделлаштириш, эҳтимол ва иқтисодий-статистик, кўп омилли эконометрик таҳлил, монографик ҳисоблаш, дастурий мақсадли, тизимли-мантисли, SWOT-таҳлил, сценарийли, функционал таҳлил ва эксперт баҳолаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

худуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришда инновацион, экологик жараёнларни ҳисобга олган ҳолда тизим ички элементларининг

ўзаро таъсирини аниқлаш мақсадида вертикал, горизонтал ва тескари алоқалар тузилмаси ишлаб чиқилган;

худуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришга таъсир қилувчи ишловацион, экологик, ижтимоий, иқтисодий кўрсаткичлар асосида Кузнец экологик эгри чизиги ёрдамида худудни барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишлари аниқланган;

худудни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар даражасини ва бу омилларни ўзаро боғлиқлигини аниқлашнинг Кобба-Дуглас типидagi комплекс сонли эконометрик моделлари ишлаб чиқилган;

ялпи худудий маҳсулотни асосий тармоқларини ривожланиш даражасини ARIMA ҳамда арифметик ўртача шаклдаги усуллар ёрдамида аниқлаган ҳолда худуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришнинг 2020-2025 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** куйидагилардан иборат:

худуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришни эконометрик моделлаштириш йўналишлари асослаб берилган;

худуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришнинг эконометрик моделлари яратилган;

иқтисодий тизимга жалб қилинаётган инвестиция ҳажминини янада ошириш ҳисобига иш ўриларини яратиш, ишлаб чиқариш фондлари ва фойдаланилмаётган имкониятлардан самарали фойдаланиш худуд иқтисодий тизимининг барқарор ривожлантиришга ижобий таъсири баҳоланган;

худуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантириш истиқболларини белгилаш ва устувор тармоқларини аниқлашнинг кўп омилли эконометрик таҳлиллар асосида ўрта муддатли 2020-2025 йиллар учун прогноз кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги.** Диссертация натижалари ва хулосаларининг ишончлиги муаллиф томонидан тадқиқот ишига доир хорижий ҳамда маҳаллий Олимлар олиб бораётган илмий-назарий, методологик тадқиқотлари асосида, фойдаланилган ахборот базасининг ишончлиги уларнинг расмий манбалардан олинганлиги билан, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг ишончлиги худуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришга доир қабул қилинган устувор йўналиш ва дастурларга қанчалик даражада мувофиқлиги ҳамда тегишли хулосаларни вақолатли вазирлик, тузилма ва ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти худуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишларини моделлаштиришнинг услубий аппаратини худуд хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда кўп омилли эконометрик моделларни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган услубий тавсиялар асосида такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тадқиқотда мақсадли моделлаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан худуд иқтисодий тизимини

барқарор ривожлантириш бўйича ишлаб чиқаришга жалб этилмаган меҳнат ва ишлаб чиқариш салоҳиятини аниқлаш, фойдаланилмаган имкониятлардан самарали фойдаланиш, ҳудудий ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатли ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек, олий ўқув юртларида «Эконометрика асослари», «Иқтисодий математик моделлар ва усуллар» ва «Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш» фанлари бўйича ўқув адабиётларини тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изохланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ҳудуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришни эконометрик моделлаштириш юзасидан ишлаб чиқилган амалий ва услубий таклифлар асосида:

Ҳудуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришни эконометрик моделлаштириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида Ҳудуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришда инновацион ва экологик жараёнларни ҳисобга олиб асосий мақсадларни жамлаган ҳолда тузилган тузилмаси бўйича таклифи Хоразм вилоятининг 2019-2020 йилларга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда қўлланилган (Хоразм вилояти ҳокимиятининг 2020 йил 26 декабрдаги 7-5717-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида минтақада ишлаб чиқариш тармоқларини истиқболли соҳалари аниқланиб, минтақа иқтисодий тизимининг барқарор ривожланишига эришиш имконияти пайдо бўлган;

Ҳудуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришга таъсир қилувчи инновацион, экологик, ижтимоий - иқтисодий кўрсаткичлари асосида ишлаб чиқилган эконометрик моделлари ёрдамида ҳудудни барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш бўйича таклифдан иқтисодий тизимини барқарор ривожлантириш кўрсаткичларини ишлаб чиқишда фойдаланилган ҳамда Хоразм вилояти ҳокимияти фаолиятига жорий қилинган. (Хоразм вилояти ҳокимиятининг 2020 йил 26 декабрдаги 7-5717-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ҳудуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришда мавжуд ресурслар ва салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини берган;

ҳудудни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар даражасини ва бу омилларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлашда Кобба-Дуглас тинидаги комплекс сонли эконометрик моделлари борасидаги таклифдан иқтисодий тизимга таъсир этувчи омилларнинг устуворлик даражасини аниқлашда фойдаланилган (Хоразм вилояти ҳокимиятининг 2020 йил 26 декабрдаги 7-5717-сон маълумотномаси). Натижада, бу таклиф минтақада иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришга хизмат қилган;

кўп омилли эконометрик моделларни ARIMA (0,2,2) модели асосида такомиллаштириш негизида ишлаб чиқилган тавсиялардан “Хоразм вилоятининг 2020-2025 йилларда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш дастури”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Хоразм вилояти ҳокимиятининг 2020 йил 26 декабрдаги 7-5717-сон маълумотномаси). Натижада, ARIMA (0,2,2) модели ёрдамида иқтисодиёт тармоқлари бўйича

оптималь прогноз кўрсаткичлари аниқланиб, 2020-2025 йиллар мобайнида ЯҲМни 6.9-9.0 фоизгача ўсиш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та: 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 7 та илмий мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 130 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларининг илмий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ҳудуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари**», деб номланган биринчи бобида ҳудуд иқтисодий тизимининг моҳияти ва уни ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари ёритиб берилган, ҳудуд иқтисодий тизими ривожланиш эволюцияси ҳамда уни барқарор ривожлантириш тамойил ва хусусиятлари таҳлил қилинган.

Муаллифнинг фикрича, ҳудуд иқтисодий тизими ўзига хос иқтисодий, ижтимоий ва табиий муҳит омилларининг ўзаро муносабатларини ўз ичига олган ҳамда ички элементлари ўртасида ўзаро боғлиқликлар мавжуд мажмуа ҳисобланади.

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодий салоҳиятни ривожлантириш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Чунки ҳудудлар иқтисодий ривожланган бўлса, мамлакат иқтисодиёти бақувват бўлади. Ҳудудларни мувозанатли ривожлантириш учун ҳудудда иқтисодий тизим фаолиятини барқарор ривожлантириш механизмини такомиллаштириш зарурати туғилмоқда. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида ҳудуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантириш ва инновацион иқтисодиётни кенг жорий этиш барқарор ривожланиш мақсадларига эришишнинг энг муҳим мақсадли йўналишлари аниқланган ва у битта тузилма шаклидаги схемага келтирилган (1-расм).




Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан илгари сурилган "яшил иқтисодиёт" ва барқарор ривожланиш мақсадларидан келиб чиқиб, ҳудуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришда бевосита ижтимоий соҳа, иқтисодий соҳа, экологик ва инновацион соҳаларда амалга ошириладиган ислохотларнинг бир бутунлиги, соҳалар ўртасида интеграцион ривожланишни таъминлаш ҳамда ижтимоий, иқтисодий ва экологик соҳаларда яратилаётган инновацияларнинг бошқа соҳаларга зарарли таъсирини баҳолаш ҳамда уларнинг яхлит иқтисодий тизим асосида тахлил қилиниши келгуси даврларда юзага келиши мумкин бўлган глобал ва локал муаммоларнинг олдини олишга хизмат қилади. Мамлакат ҳудудларининг ижтимоий, иқтисодий ва экологик ҳолатларидаги фарқлар бўйича энг устувор муаммолар ва уларнинг самарали ечимларини излаш заруратини уйғотади. Иқтисодий тизимни барқарор ривожлантириш эса ишлаб чиқариш, ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичларнинг якуний натижаларини қўллаб-қувватловчи иқтисодиёт ҳолатини ўзида акс эттиради. Иқтисодий тизимни барқарор ривожлантириш тушунчасида икки хил ёндашув мавжуд: биринчидан, бу ҳар бир якуний иқтисодий кўрсаткичнинг белгиланган даражасини қўллаб-қувватлаш, иккинчидан, иқтисодий ўсиш кўрсаткичларининг энг юқори даражаларига эришиш.

Иқтисодий тизимнинг барқарор ривожланиши фундаментал иқтисодий тушунча ҳисобланади. Барқарор ривожланиш иқтисодий тизим асосий ижтимоий-иқтисодий ва экологик кўрсаткичларининг доимий сақланишини ифодалайди.

Ҳар бир иқтисодий тизим самарали фаолият юритиши ва ривожланишининг муҳим шarti бўлган иқтисодий мувозанат барқарорлик асосини ташкил қилади. Хусусан, талаб ва таклифнинг бозор мувозанатига эришиш кўйлаб омилларга боғлиқ, ammo тизимда ҳар қандай ҳолда талаб пайдо бўлишини аниқлаш учун механизм ва талаб ҳолати ўзгаришларига ишлаб чиқаришнинг таъсир реакцияси бўлиши лозим.

Ҳудуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришда қўйилган мақсадларга эришиш имкониятлари тўғрисидаги қўйидаги хулосаларни келтириб ўтиш жоиз:

- табиатга зарарли таъсир кўрсатмай, ишлаб чиқаришни амалга ошириш имконини берувчи атроф-муҳит билан уйғун ҳолда ўзаро муносабатларини амалга ошириш жараёнини шакллантириш;
- ижтимоий ривожланиш даражасини ошириш мақсадида иқтисодий фаолият натижаларидан фойдаланиш имконини берувчи иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа ўртасида мувозанат учун шарт-шароитлар яратиш;
- келгуси ва ҳозирги авлодларлар манфаатларига йўналтирилган ҳудуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантириш механизмларини амалга ошириш.



1-расм. Ҳудуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантириш тузилмаси<sup>6</sup>

<sup>6</sup> Муаллоф ишланмаси.

Худуд иктисодий тизимини барқарор ривожлантириш тамойилларини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотларда барқарор ривожланиш концепциясига асосланган қуйидаги хусусий тамойилларни ажратиш мумкин:

- худуд иктисодий тизими элементларининг ўзаро боғлиқ ривожланишини ҳисобга олиш тамойили, яъни ижтимоий, иктисодий, экологик, ташқи муҳит билан ўзаро муносабат зарурлиги ва муҳимлигини кўрсатувчи элементлар ўртасидаги ривожланиш мувозанатига амал қилиниши;

- худуд иктисодий тизимининг турли соҳаларида ривожланиш динамикаси барқарорлигига эришиш тамойили, жумладан, иктисодий натижаларга эришиш, ташқи иктисодий фаолиятда самарадорлик, ижтимоий барқарорликни ошириш, экологик хавфсизликни сақлаш, худуд иктисодий тизим ва унинг қуйи тизимларида барқарор ривожланишнинг талаб қилинган даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар миқдорини аниқлаш орқали топилди;

- худуд иктисодий тизимини барқарор ривожлантиришни доимий таъминловчи ресурсларнинг пайдо бўлиши билан ифодаланувчи яқиний мақсадларнинг устуворлик тамойили.

Бугунги кунда ҳар бир ижтимоий-иктисодий тизим, шу жумладан худуд иктисодий тизими махсус тамойилларга риоя қилган ҳолда барча манфаатдор томонлар эҳтиёжларини қондириш ҳисобига барқарор ривожланиш соҳасида статичликка интилади. Барқарор ривожланаётган худуд иктисодий тизим қуйидаги тамойилларга амал қилиши лозим:

- аҳоли ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва ҳурмат қилиш;
- яшаш шакллариининг турли-туманлигини сақлаган ҳолда, атроф-муҳитга энг кам зарар етказиш асосида табиий ресурслардан фойдаланиш;
- иктисодий, экологик ва ижтимоий хавф ва таъсирларни аниқлаш ҳамда уларни камайтириш;
- манфаатдор томонлар билан очик ва ҳақиқий муносабатлар, қарор қабул қилишда уларнинг фикр ва манфаатларини ҳисобга олиш;
- худуд иктисодий тизимининг рентабеллиги ва самарадорлигини ошириш;
- жаҳон бозорини яратилган халқаро бизнес амалиёти ва ахлоқий меъёрлар асосида муносабатлар ўрнатиш;
- худуд иктисодий тизими фаолияти тўғрисида турли хил манфаатдор шахсларни ўз вақтида хабардор қилиш.

Диссертациянинг «Худуд иктисодий тизимини барқарор ривожлантиришда турли хил моделларнинг таққослама таҳлили» номи иккинчи бобда худуд иктисодий тизимини барқарор ривожлантиришда муайян лойиҳаларни амалга ошириш учун худудий дастурлар ишлаб чиқиш лозимлиги аке эгтирилган бўлиб, бунда хорижий мамлакатлар тажрибасига таяниш масаласи кўзда тутилган. Ҳар бир мамлакат буни ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, турли хил муддатларда амалга оширади. Бу борада, Буюк Британияда 1934 йилда худудларни барқарор ривожлантириш

мақсадида ҳамда худудларни муваффақиятли бошқаришни таъминловчи "махсус худудлар" тўғрисида қонун қабул қилинган. Италия ва Францияда худудий дастурлар 40-йиллардан бери амалга ошириб келинмоқда, улар фақатгина ушбу мамлакатларнинг алоҳида худудларини ишқироқли ҳолатдан чиқариш учун эмас, балки барқарор ривожлантириш имконини беради. Буюк Британия, Италия ва Франциянинг ўша даврдаги олдиндан ташкил этилган тажрибаси асосида Германия ва Норвегияда 50-йиллардан бошлаб, худудий дастурлар амалга оширилмоқда. Германияда бу дастурларни амалга ошириш миллий бошқарув сифатини ишлаб чиқиш учун асос бўлган.

Иктисодиётнинг барқарорлигини ифодалаш учун уни таъсирловчи белгилар ва баҳолаш мезонлари зарур. Иктисодиётнинг алоҳида унсурлари ва жиҳатларига барқарор ва беқарор ҳолат ҳамда ривожланиш хосдир. Ҳар бир унсур ўзига хос барқарорликка эга.

«Барқарорлик иктисодий тизимининг динамик хусусиятларидан бири бўлиб, маълум фаолият натижасида ундан чиқиб кетгандан кейин қайта шу ҳолатга ёки шунга яқин ҳолатга қайтиши тушунилади». Барқарорлик иктисодий тизимининг асосий динамик хусусиятларини ўзида аке эгтириб, тизимга тўққинлик қилувчи ички ва ташқи таъсирлар шароитида унинг амал қилиш имкониятларини ифода этади. Тизимнинг барқарорлик тушунчаси жуда кенгаймоқда. Барқарорлик даражасини аниқлаш учун, аввало тизим элементлари ва унинг таснифини эмас, балки барқарорлик кўрсаткичларини ҳисобга олиш талаб қилинади. (ЯИМ ҳажми ва таркиби, ўсиш суръати, меҳнат унумдорлиги даражаси, импорт таркиби). Тизим барқарорлигининг қуйидаги турлари мавжуд:

- 1) умумий (унинг ички ва ташқи муҳит элементлари комплекс тўққинининг тартибга солинган ҳолати);
- 2) таркибий (аҳамияти бўйича кетма-кет жойлаштирилган ички элементлар ҳолати);
- 3) омилли (алоҳида тўққинлик қилувчи таъсирлар ҳолати, одатда ташқи омиллар, масалан, инфляция).

Худуд иктисодий тизимини барқарор ривожлантиришга таъсир қилувчи ўттиздан ортик омилларни бир моделга жамлаб, қуйидаги кўринишдаги чизикли регрессия тенгламаси орқали ифодаланади:

$$y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2 + a_3x_3 + \dots + a_{32}x_{32} \quad (1)$$

Бу ерда:

$Y$  – ЯХМ млн. сўм;

$X_1$  – аҳоли жон бошига асосий капиталнинг жамғарилиши, млн. сўм.;

$X_2$  – аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми, млн. сўм.;

$X_3$  – аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми, млн. сўм.;

$X_4$  – ЯХМга нисбатан бюджет дефицити (профицити) ҳажми, %;



- $X_5$  – асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ЯХМга нисбати, %;
- $X_6$  – аҳоли жон бошига ташқи савдо айланмаси ҳажми, млн. АКШ долл.;
- $X_7$  – ҳар 100 минг аҳолига тўғри келувчи илмий тадқиқот ва ишланмаларда бандлар сони;
- $X_8$  – ЯХМдан илмий тадқиқот ва ишланмаларга ажратилган ички харажатлар улуши, %;
- $X_9$  – ҳар 100 минг аҳолига илғор ишлаб чиқариш технологияларидан фойдаланувчилар сони;
- $X_{10}$  – ташкилотларнинг инновацион фаолияти, %;
- $X_{11}$  – технологик инновацияларга харажатлар улуши, ЯХМга нисбатан %да;
- $X_{12}$  – истеъмолга жўнатилган товар, иш, хизмат умумий ҳажмида инновацион товар, иш, хизматлар улуши, %;
- $X_{13}$  – стационар манбалардан атмосфера ҳавосига чиқувчи ифлослантирувчи моддалар чиқиндилари, минг. т;
- $X_{14}$  – атмосферадаги ҳаракатланувчи манбалардан чиқувчи ифлослантирувчи моддалар аниқланиши, минг. т;
- $X_{15}$  – аҳоли жон бошига ўрмон фонди ерлари майдони ва бошқа категориядаги ўрмонлар жойлашган майдон, минг. га;
- $X_{16}$  – аҳоли жон бошига ўртача дарамадларнинг яшаш минимумига нисбати;
- $X_{17}$  – 1000 промдга нисбатан ўлим сони;
- $X_{18}$  – туғилгандан бошлаб, кутилаётган ҳаёт давомийлиги, йил;
- $X_{19}$  – умумий туғилиш коэффициенти (1000 кишига туғилишлар сони);
- $X_{20}$  – фонд коэффициенти;
- $X_{21}$  – Жини коэффициенти;
- $X_{22}$  – ўртача битта рўйхатдан турган шахсга тўғри келувчи турар жой умумий майдони ( йил охирига), м<sup>2</sup>;
- $X_{23}$  – ҳар 100 минг кишига рўйхатга олинган жиноятлар сони;
- $X_{24}$  – уй жой фонди, млн сўм.;
- $X_{25}$  – ҳар 10 минг кишига бакалаврият, магистратура дастурлари бўйича таълим олаётган талабалар сони;
- $X_{26}$  – молиявий фаолиятдаги корхона ва ташкилотлар сони;
- $X_{27}$  – хорижий капитал иштирокидаги ташкилотлар айланма маблағи, млрд. сўм.;
- $X_{28}$  – АКТга харажатлар, млн. сўм.;
- $X_{29}$  – умумдавлат масалаларига харажатлар улуши, %;
- $X_{30}$  – солиқлар, млн. сўм.;
- $X_{31}$  – экологияга ажратилган харажатлар улуши, %;
- $X_{32}$  – ижтимоий-маданий тадбирларга харажатлар улуши, %.


Бу чизикли регрессия тенгламаси орқали ҳудуд иктисодий тизимини барқарор ривожлантиришга таъсир килувчи омилларнинг таъсир ҳажмини топиш учун ҳар бир омил бўйича алоҳида регрессия тенгламаси орқали

топиш мақсадга мувофиқ, чунки регрессион таҳлил давомида корреляция коэффициентилари топишганда ўзаро мультиколлинеар чиқиш эҳтимоли жуда катта, бу эса омилларнинг таъсир ҳажмини аниқлашда ноаниқликка олиб келади. Шунинг учун:

$$\begin{aligned}
 y &= a_0 + a_1 x_1 \\
 y &= a_2 + a_3 x_2 \\
 y &= a_4 + a_5 x_3 \\
 &\dots\dots\dots \\
 y &= a_{62} + a_{63} x_{32}
 \end{aligned}
 \tag{2}$$

Ҳар бири алоҳида ҳисобланиб, кейин умумлаштирилади. Умумлаштирилган эконометрик моделнинг аҳамиятини баҳолашда арифметик ўртача шаклдаги чизикли функциядан фойдаланиш кўзда тутилади.

Ҳудуд иктисодий тизимини барқарор ривожлантиришнинг эконометрик моделларини тузишда, ЯХМ ишлаб чиқаришга таъсир килувчи энг асосий омилларни танлаш мақсадга мувофиқ, чунки ЯХМ ривожланиш динамикасига бир неча омиллар таъсир килади, аммо уларни модел тўлик қамраб ола олмайди.



2-расм Аҳоли сонига нисбатан атроф-муҳитнинг ифлосланиши ( $\ln(E/P)$ ) ва ЯХМ ( $\ln(Q/P)$ ) ўртасидаги боғлиқликнинг иккинчи тарбили полиномал функцияси<sup>7</sup>

Аҳоли сонига нисбатан экологик ҳолатни мамалакат ривожланиш даражасига боғлиқлигининг эконометрик модели квадратик функция орқали

<sup>7</sup> Муаллиф ишлагани.

ифодаланганда 2-расмдаги ҳолат рўй берди. Бундан келиб чиқиб, Хоразм вилоятида аҳоли сонига нисбатан стационар ва ҳаракатланувчи манбалардан чиқувчи зарарли моддаларнинг ЯХМга боғлиқлиги, яъни детерминация коэффициентини 15.7 %ни, моделга киритилмаган омиллар улуши эса, 84.3 %ни ташкил қилаётганлигини англаб олиш мумкин.

Бу эса ўз навбатида, ЯХМ ҳажмини кўпайтириш натижасида атроф-мухитга салбий таъсир даражаси ортисига имконият дегани эмас, балки атроф-мухитга зарарсиз, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни экологик тоза технологиялар билан алмаштириш натижасида амалга ошириш лозимлигини англатади. Бундан ташқари экологик тадқиқотларда ЯХМдан ташқари моделга киритилмаган омиллар улушини таҳлил қилиш ҳамда ушбу омиллар таъсири даражаси камайириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқотда ҳудуд иқтисодий тизимини барқарор ривожлантиришнинг комплекс сонли эконометрик моделидан фойдаланилади. Ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс сонли ўзгарувчилар ёрдамида шакллантириш учун иқтисодий жараённи акс эттирувчи бир хил миқдор ҳамда кўламга эга бир жуфт ўзгарувчилар керак.

Маълумки, комплекс сонли ўзгарувчилар икки қисмдан иборат: ҳақиқий ва мавҳум қисмлар<sup>8</sup>. Ишлаб чиқариш ресурслари, қондага кўра, иккита асосий – капитал ресурслар (K) ва меҳнат ресурсларига (L) бўлинади. Натижа ишлаб чиқариш фаолиятини акс эттирувчи ҳар қандай кўрсаткич бўлиши мумкин (натурал ва қиймат ифодасидаги ишлаб чиқариш ҳажми, савдо ҳажми, ялпи фойда ва бошқалар). Ишлаб чиқариш ресурсларининг комплекс сонли ўзгарувчисини қуйидаги қонда бўйича шаклланади: ҳақиқий қисмга – капитал, мавҳум қисмга – меҳнат ресурслари кирди, бундай функциянинг комплекс сонли аргументи қуйидагича кўринишга эга бўлади:

$$K_t + iL_t \quad (3)$$

бу ерда,  $t$  – вақт кўрсаткичлари.

Иккита иқтисодий кўрсаткич – ялпи фойда ва ишлаб чиқариш харажатларини бир вақтда моделлантириш учун ишлаб чиқариш натижалари комплекс сон (ҳақиқий ва мавҳум қисми) сифатида ўрнанилса, оsonгина натижага эришиш мумкин. Бундай тузилган комплекс сонлар ўз-ўзидан ишлаб чиқариш натижаларини акс эттирувчи моделга айланади. Бу ҳолатни қуйидагича ифодалаш мумкин<sup>9</sup>:

$$Z = G + iC \quad (4)$$

$$G + iC = (a_0 + ia_1) * (K_0 + iK_1)^{\alpha} * (L_0 + iL_1)^{1-\alpha} \quad (5)$$

бу ерда, номаълум ( $a_0, a_1, \alpha$ ) параметрларни топиш учун комплекс коэффициентли комплекс ўзгарувчи нотизикли моделлар параметрларини баҳолашнинг энг кичик квадратлар усулидан фойдаланилган.

$$\ln(G + iC) = \ln[(a_0 + ia_1) * (K_0 + iK_1)^{\alpha} * (L_0 + iL_1)^{1-\alpha}] \quad (6)$$

<sup>8</sup> Шаббат Б.В. Введение в комплексный анализ функций одного переменного: Учебник. В 2-х ч. 4-е изд. – СПб.: Лань, 2004. – 326 с.

<sup>9</sup> Светуляков С.Г. Основы эконометрии комплексных переменных. – М.: СПб, 2008. – 108 с.

Бу ерда:  $K_0$  – асосий фондлар;

$K_1$  – ёрдамчи айланма воситалар;

$L_0$  – иқтисодий тармоқларида ишловчи ходимлар;

$L_1$  – иқтисодий тармоқларидаги раҳбар ходимлар;

$G$  – ялпи фойда;

$C$  – ишлаб чиқариш харажатлари.

$$\ln(G + iC) = \ln(a_0 + ia_1) + \alpha * \ln(K_0 + iK_1) + (1-\alpha) * \ln(L_0 + iL_1) \quad (7)$$

(7)нинг ўхшаш қўшилувчилари гуруҳланади:

$$\ln \frac{G + iC}{L_0 + iL_1} = \ln(a_0 + ia_1) + \alpha * \ln \frac{K_0 + iK_1}{L_0 + iL_1} \quad (8)$$

Логарифларнинг асосий қондасидан фойдаланиб, қуйидаги моделини тузамиз:

$$\begin{aligned} & \ln \frac{\sqrt{(GL_0 + CL_1)^2 + (CL_0 - GL_1)^2}}{L_0^2 + L_1^2} + i\varphi_{G,C} = \ln(a_0 + ia_1) + \\ & + \alpha \left( \frac{\ln \sqrt{(K_0L_0 + K_1L_1)^2 + (K_1L_0 - K_0L_1)^2}}{L_0^2 + L_1^2} + i\varphi_K \right) \end{aligned} \quad (9)$$

$$\text{Бу ерда: } \varphi_{G,C} = \arctg \frac{CL_0 - GL_1}{GL_0 + CL_1}$$

$$\varphi_K = \arctg \frac{K_1L_0 - K_0L_1}{K_0L_0 + K_1L_1}$$

(9) формуладаги номаълум параметрларни топиш учун қуйидаги белгиларни киритиб, нормаль тенгламалар тизими тузилади:


$$\begin{aligned} R_0 &= \frac{\sqrt{(GL_0 + CL_1)^2 + (CL_0 - GL_1)^2}}{L_0^2 + L_1^2} \\ \ln(a_0 + ia_1) &= A_0 + iA_1 \\ R_K &= \frac{\sqrt{(K_0L_0 + K_1L_1)^2 + (K_1L_0 - K_0L_1)^2}}{L_0^2 + L_1^2} \end{aligned}$$

